

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш
хизматини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

Қамаши ш. 16-сон

2022 йил "11" 01

Қашқадарё вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан тоифаланган объектларни қўриқлашни ташкиллаштириш бўйича Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиги подполковник М.М.Мухсимов (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан, Чимқўргон сув омборидан фойдаланиш бошқармаси номидан Ўзбекистон Республикаси Конунлари асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиги З.Й.Исмоилов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади, мазкур Шартномани қўйидагилар хақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. “Буюртмачи” далолатномада кўрсатилган чора-тадбирларни давом эттиради, “Ижрочи” эса Чимқўргон сув омборидан фойдаланиш бошқармаси объектини қўриқлаш ва мудофаа қилиш бўйича жанговар хизмат ўташни давом эттиради.

2-боб. Умумий шартлар

2. “Буюртмачи” Қамаши тумани Чимқўргон ҚФЙ да жойлашган Чимқўргон сув омборини қўриқлашини 9 бирлик, 3 та 24 соатлик (дам олишсиз соат 9-00 дан 9-00 гача) сафдор ходим орқали қўриқлаш учун (кейинги ўринларда Объект деб юритилади) Ижрочига топширади, Ижрочи қабул киласи.

3. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими “Буюртмачи” томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади.

4. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

5. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда хизмат итларидан фойдаланиш мумкин.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

6. Чимқўргон сув омборидан фойдаланиш бошқармаси объектини қўриқлаш ва мудофаа қилиш учун “Буюртмачи” Идоралараро комиссия далолатномаси билан белгиланган 9 бирлик, 3 та пост сафдор ходим орқали, пост-соат хисобида қўриқлаш хизмати бир ойига 193 747 110 сўм, 12 ойга 581 241 320 сўмни ташкил қиласи.

Мазкур сумма ўзгариши мумкин.